

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИ
МАЛАКА ОШИРИШ МАРКАЗИ



“Иқтисодиётни жадал ривожлантиришда
солик маъмуриятчилигини янада
такомиллаштириш масалалари”
мавзусидаги
республика илмий - амалий конференцияси

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

25 сентябрь 2020 йил



Тошкент – 2020



Иқтисодиётни жадал ривожлантиришда солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш масалалари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Малака ошириш маркази, Тошкент, 2020 йил, 368 бет.

Масъул мухаррир: и.ф.н., З.Т.Эргашев

Тахрир ҳайъати: и.ф.ф.д. (Phd) А.А.Фиёсов
ю.ф.н., Ф.В.Вахобов
и.ф.д., проф, З.Н.Қурбанов
и.ф.н., А.А.Валиев
кат.ўқ.С.Р.Боймуротов
и.ф.н., К.Г.Джураева

Ушбу республика илмий-амалий конференцияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги 56-Ф-сонли Фармойиши билан тасдиқланган 2020 йилда республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник тадбирлар режасига мувофиқ ўтказилди.

Мазкур тўпламда солиқ-бюджет, бухгалтерия ҳисоби соҳаси мутахассислари, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, олимлари, илмий изланувчилари ва магистрантларининг иқтисодиётни жадал ривожлантиришда солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш, солиққа тортиш масаласида амалиётда синалган принцип ва ёндашувларни ишлаб чиқиш, солиқларни бошқаришнинг замонавий шакл ва методларини жорий этиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишига ва бу борада илғор хориж тажрибаларини ўрганишга ва улардан фойдаланишга қаратилган илмий-тадқиқот натижалари маъруза тезислари сифатида ўз ифодасини топган.

Ушбу конференция материалларидан солиқ-бюджет, бухгалтерия ҳисоби йўналишидаги мутахассис ходимлар, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторант ва мустақил изланувчилар, магистрант ва кенг китобхонлар фойдаланиши мумкин.

Тахрир ҳайъатининг фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин. Тезислар мазмуни ва келтирилган фактларнинг ҳақиқийлиги учун муаллиф жавобгар ҳисобланади. Топширилган тезислар муаллифга қайтарилмайди ва тақриз қилинмайди.

© Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Малака ошириш маркази, 2020 й.

СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА СОЛИҚЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Хозирги шароитда мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш, солик тизимидағи иқтисодий ислоҳотларни янада такомиллаштириш ва уни амалга ошириш, соликларнинг тартибга солиш функциясини кучайтириш, кичик бизнес субъектларини ривожлантириш ва унинг иқтисодиётда тутган ўрнини янада мустаҳкамлаш ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг энг муҳим масалаларига айланиб бормоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида соликларни тартибга солишнинг ўрни ортди, катта ўзгаришларга олиб келди ва мураккаблашди. Замонавий солик билимларида соликларни тартибга солиш якка ҳолда тадқиқ этилмайди, балки солик сиёсатининг бир қатор методлари ва инструментлари орқали ёритилади. Айнан, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда соликларни тартибга солиш ўрни муҳимдир.

Бугунги кунда соликларни тартибга солиш моҳияти борасида аниқ фикрлар учрамайди. Кўпчилик олимлар соликларни тартибга солишни жуда қатъийлик билан айнан норматив-меъёрий ҳужжатларни тартибга солиш билан боғлайдилар.

Бир қатор олимларнинг илмий ишларида соликларни тартибга солиш одатда “солик сиёсати”, “солик маъмуриятчилиги”, “солик механизми”, “соликларни режалаштириш”, “солик назорати” каби муносабатлар билан чамчарчарс боғланган эканлиги асосланади. Солик тизимини такомиллаштириш борасида илмий фаолиятини олиб борган мамлакатимиз ва чет эл иқтисодчи олимлари юқоридаги тушунчалар чуқур ўргангандан соликларни тартибга солиш борасида ҳам фикр юритганликларини эътироф этиш лозим. Жумладан, улар илмий ишларида бевосита соликларни тартибга солиш масалаларини ҳам кўриб ўтганлар.

Жумладан, Н.Ашуррова солик сиёсати иқтисодий, молиявий ва хуқуқий муносабатларни ўзида мужассам этиб, солик тизими орқали давлат ва ижтимоий гуруҳларнинг эҳтиёжларини таъминлаш учун молиявий ресурсларни қайта тақсимланишини эътироф этиб, самарали солик сиёсатини тартибга солиш воситалари сифатида солик ставкаси, солик имтиёзлари, солик жарималари, солик базасини шакллантириш тартибини санаб ўтадилар³¹. Солик механизмини танлашда, энг аввало, мамлакат иқтисодиёти

³¹ Ашуррова, Н.Б. Ўзбекистон Республикаси солик сиёсати ва солик соҳасидаги ижтимоий ҳамкорликни амалга ошириш йўналишлари. //Иқтисод ва молия. №11. 2012. - 75-б.

олдида турган ва солиқ сиёсатини оқилона юритиш билан ҳал қилинадиган асосий вазифаларга таянмок керак бўлади. Бундай вазифаларни ҳал қилиш иқтисодиёт ривожини таъминлашга хизмат қилади (1-чизма).

Мамлакат иқтисодиёти олдида турган ва солиқ сиёсатини оқилона юритишнинг асосий вазифалари

- иқтисодий тартибга солиш (солиқ, божхона тўлови, бюджет тизими ва ҳ.к.) ва улар таъсирида таъминланадиган молиявий барқарорлик
- иқтисодиётни модернизациялаш
- иш фаоллигини рағбатлантириш
- ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва унинг самарадорлигини таъминлаш
- солиқ тўловчилар сафини кенгайтириш ва уларга қулай шарт-шароитлар яратиш

1-чизма. Мамлакат иқтисодиёти олдида турган ва солиқ сиёсатини оқилона юритишнинг асосий вазифалари

Солиқ механизмини ташкил этиш пойдевори – мамлакат солиқларни тартибга солиш функциясини амалга оширишга мутасадди субъектларни, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғиндисини, солиқ муносабатларининг субъектлар таркибини ва бу механизмни амалга оширишнинг аниқ қонун-қоидаларини белгилайдиган солиққа оид қонун ҳужжатлари сифатида эътироф этилади³².

Т.Ф. Юткина ўзининг илмий ишида солиқларни тартибга солишни модернизациялаш ва такомиллаштириш нуқтаи-назаридан караб, инвестицион жараёнларга иқтисодий таъсир кўрсатиш, тармоқларда технологияларни янгилаш, бюджетни баланслаштириш, ички солиқ муносабатларини бошқариш сифатида таъкидлайди³³.


Кенг маънода солиқларни тартибга солиш миллий иқтисодиётга солиқ потенциалидан самарали фойдаланиш мақсадида солиқларининг фискал, тартибга соловчи, рағбатлантирувчи ва назорат функциялари орқали солиқ муносабатларини оптималлаштириш мақсадида солиқ механизми воситасида иқтисодиёт ва жамиятни ривожлантиришнинг асосий ижтимоий-иктисодий кўрсаткичларида давлатнинг таъсирини бошқариш жараёнини ўз ичига олади. Бу вазиятда солиқларни киритиш, ўзгартириш, ажратиш ва тўлаш

³² Майбуров, И.А. Налоги и налогообложение. Учебник. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2015.–с.487

³³ Юткина Т.Ф. Налоги и налогообложение. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2000. – с. 384-393

жараёни, солиқ назоратини амалга ошириш регламенти, солиқ мунозаралари ва бошқалар фикр бормокда.

Тор маънода солиқларни тартибга солиш алоҳида ҳудуд, иқтисодиётнинг бир тармоғи, миллий иқтисодиёт кесимида ҳаракатларни аниқ объектларда бошқариш назарда тутилади.



2-чизма. Солиқ муносабатларини ташкил этишда солиқларни тартибга солишининг ўрни

И.А.Эргашев солиқларни тартибга солиш асосий мезони сифатида солиқ маъмурчилигини такомиллаштириши таъкидлаб³⁴, солиқ маъмуриятчилигининг бош мақсади солиқ муносабатлари иштирокчиларининг фаолиятини солиқ кодекси нормалари асосида тартибга солиш орқали давлатнинг солиқ сиёсатини аниқ ва бир хилда жорий қилишга қаратиш, солиқ муносабатларини вужудга келишида тарафларнинг розилиги мажбурий ва зарур бўлган элемент эмаслигини ҳисобга олган ҳолда, солиқ маъмуриятчилигининг тўғри ташкил қилиниши давлат ва жамият ўртасидаги манфаатлар мувозанатини таъминлашда аҳамиятли деб ҳисоблайди.

Солиқларни тартибга солишининг мақсади иқтисодиёт ривожининг барча даражаларида барқарор иқтисодий ўсиш ва ижтимоий ривожлантириш шароитларини яратиш мақсадида комплекс чоралар, механизмлар, воситалар ва ҳаракатларни шакллантириш ҳисобланади.

А.А.Малецкий ўз мақоласида солиқларни тартибга солиш мақсадининг икки томонлама эканлигини таъкидлайди³⁵. Биринчи томондан, мамлакатни ривожлантириш стратегик мақсадларини амалга ошириш бўйича самарали ҳаракатлар қилиш, иккинчи томондан, хўжалик субъектлари хусусий ва жамият манфаатларини оптималь балансини таъминлаш, солиқларни тартибга солишининг мақсадлари сифатида эътироф этилади.

Бунга эришиш учун солиқларни тартибга солишининг қуидаги вазифалари бажарилиши лозим:

- мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бош омили сифатида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитларни яратиш мақсадида солиқقا тортиш тизимини оптимальлаштириш;
- солиқ юкини пасайтириш орқали кичик бизнес субъектлари ривожланиши учун қулай солиқ иқлимини вужудга келтириш;
- инвестицияларни жалб этилишини ошириш йўли билан ҳудудларда инвестицион жараёнларни фаоллаштиришга мўлжалланган истиқболли усувларни жорий этиш;
- хўжалик субъектларини инновацион ривожлантиришни рағбатлантирувчи солиқ методларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- солиқ базасини кенгайтириш ва солиқقا тортиш механизми, таркибини такомиллаштириш ҳисобидан ҳудудий ривожлантириш вазифаларини ҳал қилиш мақсадида маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига барқарор ва узоқ муддатли молиявий база яратиш.

³⁴ Эргашев И.А. Солиқ маъмуриятчилиги ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. авт. Т.: 2019.

³⁵ Малецкий А.А. Роль и механизм налогового регулирования в современной экономике. Международный бухгалтерский учет, (33) 2013.

Глобаллашган дунёда солиқ тизимини соддалаштириш тенденцияси кузатилмоқда. Солиқ тизими қанчалик кучли бўлса, иқтисодий натижаларни аниқлаш осонроқ бўлади, корхоналар раҳбарлари ҳисбот ҳужжатларини тузишда ташвишланмайди ва улар томонидан солиқларни эмас, балки ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ҳақида ўйлашга кўпроқ вақт қолади. Бу ҳолда солиқ органлари солиқлар тўлашнинг тўғрилигини яқиндан кузатишлари мумкин бўлади.

*Ш.Х.Дусияров-
ДСҚ ҳузуридаги Малака оширии
маркази мустақил изланувчиси*

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ СОЛИҚЛАР ВОСИТАСИДА РАҒБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Бугун инновацион технологиялар майший ҳаётдан тортиб йирик ишлаб чиқаришга қадар кириб келмоқда. Янги технологиялар инсонларнинг ҳаётини фаровон ва қулай қилишга хизмат қилмоқда. Содда қилиб айтганда, янги ғоялар кам меҳнат қилиб, кўпроқ даромад қилиш, кам ҳаракат билан кўпроқ самараға эришишни талаб қилади.

Мамлакатимизда инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал инновацион ривожлантиришни тъминлаш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бу борада мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев фикр билдирар экан, «буғун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади»³⁶, - дея таъкидлаганлари бежиз эмас.

Шу ўринда мамлакатимиз Президентининг таъбири билан айтганда, Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз.³⁷

Ўзбекистонда инновацион жараёнларни ривожлантиришга бўлган эҳтиёжнинг кучайиши, мамлакатнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви, модернизация ва диверсификациялашув жараёнлари ҳамда иқтисодий тараққиётнинг жадаллашишида республикада “...инновацион жараёнларни рағбатлантириш, тармоқ ва ҳудудлар даражасида инновацион фаоллик ва

³⁶ Узбекистан Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Интернет манба «prezident.uz». 2017 йил 22 декабрь

³⁷ Узбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Интернет манба «prezident.uz». 2020 йил 24 январь

МУНДАРИЖА

М.М.Мирзаев. Кириш сўзи.....	3
1-ШУЪБА	
ХУФИЁНА СЕКТОРНИ ҚИСҚАРТИРИШДА СОЛИҚ ЮКИНИ КАМАЙТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ	
Ж.Ж.Урмонов. Хуфёна иқтисодиётни камайтириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка қулай солик муҳитини шакллантиришнинг долзарб масалалари.....	4
А.Я.Абдуллаев. Солик сиёсати тизимида солик юкининг ўрни ва аҳамияти.....	9
А.А.Гиёсов. Цифровизация экономики как фактор стимулирования экономического роста и сокращения уровня теневой экономики.....	12
Р.Р.Хусаинов, С.А.Ибрагимова. Коронавирус пандемияси даврида ўзбекистонда солик маъмурчилигини такомиллаштириш ва солик юкининг камайтирилиши.....	17
Н.Б.Ашурова. Ўзбекистонда коронавирус пандемияси шароитида тадбиркорлик фаолиятни соликлар воситасида қўллаб-қувватлаш йўналишлари.....	20
М.М.Камилов, М.М.Мирсобитов. Ташқи савдо операцияларида солик маъмурятчилигининг ўзига хос хусусиятлари.....	26
А.А.Валиев. Хуфиёна иқтисодиётнинг олдини олиш йўллари.....	32
У.Т.Хайитматов. Цифровизация деятельности налоговых органов - важный аспект сокращения теневого сектора.....	37
А.А.Бозоров. Хуфёна иқтисодиёт ва уни бартараф этишда давлат солик хизмати органларининг роли.....	41
М.С.Абдуллаева, Ж.И.Маликов. Солик сиёсати самарадорлигининг назарий кўринишлари.....	44
К.И.Сирожиддинов. Мамлакатимизда хуфиёна иқтисодиётга қарши курашнинг айrim жиҳатлари.....	48
А.А.Шадманкулов. Яширин иқтисодиётни қисқартириш борасида божхона ва солик органлари ҳамкорлигининг айrim масалалари.....	53
Н.Э.Эрназаров. Хуфиёна иқтисодиётни қисқартиришда солик маъмурятчилигини такомиллаштиришнинг аҳамияти.....	56
К.М.Сайдов. Жисмоний шахслар даромадларини соликка тортиш механизмини такомиллаштириш масалалари.....	59
А.Ҳ.Раджабов. Хуфиёна секторни қисқартиришда электрон хизматлар қўрсатилишини тартибда солиш ва солик солиш тизимини такомиллаштириш.....	64
Р.Т.Бердияров. Тадбиркорлик субъектларининг соликка доир низоларини судгача ҳал қилиш асосида солик маъмурятчилигини такомиллаштириш.....	68

З.О.Ахроров. Солиқ муносабатларини ташкил этишда солиқларни тартибга солишининг ўрни ва аҳамияти.....	73
Ш.Х.Дусияров. Инновацион иқтисодиётни солиқлар воситасида рағбатлантириш масалалари.....	77
Т.Н.Пардаев. Хуфёна иқтисодиётни камайтиришда божхона органларининг тутган ўрни.....	81
Б.Мырзаев, Б.Қазақбаев. Хорижий инвестицияларни жалб қилишга солиқ ислоҳотларининг таъсири.....	85
У.Қ.Чоршанбаев. Солиқлар воситасида инновацион иқтисодиётни рағбатлантиришнинг хориж тажрибаси.....	88
Ф.З.Тошев. Яширин иқтисодиётни олдини олишда солиқ юкининг таъсири.....	91
Ш.Ҳ.Вафоев. Хуфиёна иқтисодиётга қарши курашиш тамойиллари..	95
Ф.И.Жулиев. Хуфиёна секторни қисқартиришда солиқ юкини камайтиришнинг аҳамияти.....	98
Б.Қ.Соатқұлов. Хуфиёна иқтисодиётни камайтиришда солиқ юклари тақсимотининг аҳамияти.....	101
Ш.Н.Тайиров. Хуфиёна иқтисодиётни қисқартириш усуллари ва солиқ базасини кенгайтириш тамойиллари.....	104
Ф.З.Тошев. Солиқ юки даражасини белгилаш асослари.....	107

2-ШУЬБА

РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ХАЛҚАРО ТАЖРИБА АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Н.Б.Файзуллаев. Пандемия ва глобал инқироз шароитида ресурс солиқлари маъмурчилигини такомиллаштириш.....	111
М.И.Кутбитдинова, М.Тожиева. Ресурс солиқларидан берилган имтиёзлар.....	113
А.М.Умаралиев, С.Илхомбердиев. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантиришда солиқ сиёсатининг тутган ўрни.....	115
С.Р.Боймуротов. Мол-мулк солиги самарадорлигини оширишда солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш масалалари.....	119
А.Қ.Абдушукуров. Солиқ солиш мақсадида кўчмас мулкларни бозор қийматини белгилашнинг зарурий аҳамияти ва ўзига хос хусусияти.....	122
М.О.Марданов. Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларни солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш йўллари.....	127
Б.Қ.Туранбоев. Ўзбекистонда солиққа тортишнинг экологик йўналтирилганлигини кучайтиришнинг аҳамияти.....	132
У.Х.Нормурзаев. Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш ҳамда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида солиқ сиёсати.....	136
О.Ж.Матчанов, М.О.Матчанова, Т.О.Матжонов. Солиқ солиш обьектларини ҳисобга олишда географик ахборот тизимлари (ГАТ) ва	140